https://gospodarkainnowacje.pl

GOSPODARKA I INNOWACJE

LABORATORIUM WIEDZY Artur Borcuch

Volume: 60 | 2025

Economy and Innovation
ISSN: 2545-0573

For more information contact: editor@gospodarkainnowacje.pl

ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Джалолова Саодат Зиёваддиновна
“Ипак йули Туризм ва маъданий мерос халкаро университети доценти

Ачилова Венера
СамДУ магистранти

A R T I C L E I N F O.

Калит сўзлар: туризм, туризмни тартибга солиш, жаҳон иқтисодиёти, модел, ривожланиш стратегияси.

Аннотация

Мақолада туризм соҳасида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси, туризмнинг жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти, ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишлари бўйича жаҳон тажрибаси ҳамда туризмни ривожлантириш моделлари тадқиқ қилинган.

http://www.gospodarkainnowacje.pl/ © 2025 LWAB.

Кириш. Ҳозирги кунда туризм соҳасида кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, соҳани бошқариш тизими жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва кескин рақобат шароитида замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун туризм соҳасида тадбиркорлик тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимига замонавий ёндашувлар тадбиркорлик ва ижтимоий муносабатларнинг асосий регулятори сифатида давлатнинг роли тўғрисида қарашларни тизимлаштиришни талаб этади. Жаҳонда туристик ва рекреацион ресурслардан фойдаланадиган тадбиркорлик тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тажрибасини ўрганиш республикамизда туризмни ривожлантириш, илғор хорижий тажрибалар асосида туризм соҳасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш ва туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш масалалари иқтисодий адабиётларда етарлича тадқиқ қилинмаган. Хусусан, Д.Н.Демченко[1], М.Қ.Пардаев[2], К.А.Лебедев[3], В.И.Новичков, М.Ю.Полозков[4], М.М.Рамадонова,

[1] Демченко Д.Н. Взаимодействие государства и бизнеса: принципы, инструменты, институциональная трансформация в посткризисной экономике. Автореф. дис. канд. экон наук. Ростов-на-Дону. – 2005. – С. 15.
[2] Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - Б. 133.
[3] Лебедев К.А. Совершенствование государственного регулирования в сфере туризма //Стратегия устойчивого развития регионов России. – 2014. – №. 24. – С. 139-141.
[4] Новичков В. И., Полозков М. Ю. Анализ опыта государственного регулирования туризма в развитых странах //Journalofneweconomy. – 2008. – №. 3 (22).– С. 46-49.8.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

М.А.Макарченко[5] М.Т.Алимова[6] каби олимлар туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш йўналишларига бағишлаб дарслик, ўқув қўлланмалар ва бошқа ўқув ва илмий адабиётлар ёзганлар. Бироқ мазкур асарларда туризм соҳасида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-назарий ва методологик жиҳатлари атрофлича тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнда диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, статистик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Лотин Америкасида туристик ва рекреацион ресурслардан фойдаланадиган тадбиркорлик тузилмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тажрибасига қўйидаги йўналишларни киритиш мумкин: туризм соҳасини қонунчилик билан тартибга солиш; қўшимча инвестицияларни жалб қилиш ва ушбу соҳада бизнес юритиш учун қулай шароитлар яратиш чоралари; саёҳат қилиш учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларига муҳтож фуқароларни жалб қилиш; ўз мамлакатларининг сайёҳлик жозибадорлигини ошириш кабиларни ўз ичига олади.[7]

Ўрганилаётган хорижий мамлакатларда, республикамиздаги каби, туризмни ривожлантириш бўйича қонуний асос шакллантирилган; давлат ҳудудий ривожлантириш дастурлари қабул қилинган ва амалга оширилмоқда; инфратузилма шакллантирилган; бизнес тузилмалари учун имтиёзлар тақдим этилган; бизнес юритиш учун махсус шароитлар яратилган. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, туристик ва рекреацион ресурслардан фойдаланадиган тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурий маблағнинг 50 фоизига етади.

Жаҳон амалиётида туризмни ривожлантириш давлат томонидан барқарор қўллаб-қувватланадиган сегментдир, чунки туристларни жалб қилиш кўплаб маҳаллий тадбирлар учун синергетик таъсир кўрсатади. Бундай қўллаб-қувватлашнинг мисоллари 1-жадвалда келтирилган.

Европа Иттифоқи мамлакатлари сайёҳлик ва меҳмонхона фаолияти бўйича ҚҚСни тенглаштиришга қаратилган сиёсат олиб бормоқдалар, уларнинг миқдори 17 дан 27% гача. Люксембургда ўртача ҚҚС 17%, Венгрияда максимал 27% миқдорида белгиланган.[8]

Испанияда турар жой учун ҚҚС ўртача 10% ни ташкил қилади ва бу меҳмонхона тоифасига боғлиқ, озиқ-овқат (ресторан хизматлари) бўйича автомобилларни ижарага олиш 16% ни ташкил этади.[9]

Грецияда турар жой ва овқатланиш учун ҚҚС 6,0 %ни ташкил қилади ва ҳукумат мавсумий қабул қиладиган сайёҳлик агентликлари учун чегирмалар тизимини ишлаб чиқилган.[10]

Францияда туризм бўйича ҚҚС ўртача 10,0 %ни ташкил этади.[11]

Австрияда турар жой ва овқатланиш хизматлари учун ҚҚС 10,0 % этиб белгиланган. Бироқ, «Туризм солиғи тўғрисида» Федерал қонунга мувофиқ, барча сайёҳлик корхоналари ҳар бир

[5] Рамадонова М.М., Макарченко М.А. Государственное регулирование туристической деятельности //Альманах научных работ молодых ученых университета ИТМО. – 2016. – С. 211-213.

[6] Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида) // И.ф.д. дисс. - Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26 б.

[7] Юц, А.Ю. Формирование механизма государственной поддержки предпринимательства в туризме :автореф. Дис. Кагд. Экон. Наук., 2010 г.

[8] Tourism-related taxes across the EU - https://ec.europa.eu/growth/sectors/tourism/business-portal/financing-your-business/tourism-related-taxes-across-eu_en

[9] Spanish VAT rates and VAT compliance - https://www.avalara.com/vatlive/en/country-guides/europe/spain/spanish-vat-rates.html

[10] 2021 VAT Rates in Europe - https://taxfoundation.org/value-added-tax-2021-vat-rates-in-europe/

[11] https://www.hellotax.com/blog/taxation/vat-rate/france/

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

туристни жойлаштириш учун маҳаллий тўловни тўлайдилар (жамоа ҳудудида – жамоага, курортларда эса – курорт фондига). Тўлов миқдори мавсумга боғлиқ бўлиб, тиббиёт муассасалари беморлари (6 ёшгача бўлган болалар, мактаб ўқувчилари ва талабалар) тўловлардан озод қилинади.[12]

1-жадвал Туристик-рекреацион тадбиркорлик ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибаси[13]

№	Ҳудуд	Туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари
1.	Аляска (АҚШ)	1. Давлат маблағларининг 50 фоизигача қисми туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган 2. Маҳаллий солиқлардан имтиёзлар берилган. 3. Даромад солиғи олинмайди.
2.	Янги Зеландия	1. Ахборотни қўллаб-қувватлаш. 2. Инфратузилмани ривожлантириш.
3.	Чили	Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш.
4.	Канада	1. Маркетинг учун харажатларни давлат томонидан қопланиши. 2. Туризмни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.
5.	Хитой	Туризмни ривожлантириш фонди тузилган.
6.	Франция, Австрия	1. Маркетинг учун харажатларни давлат томонидан қопланиши. 2. Туризмни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. 3. Ички туризмни рағбатлантириш (ваучерлар, таътил чеклари).
7.	Дания	1. Махсус туристик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни илгари суришни давлат томонидан биргаликда молиялаштириш. 2. Қийин молиявий аҳволда бўлган кичик ва ўрта бизнесни моддий чоралар билан қўллаб-қувватлаш.
8.	Исландия	1. Инвестицияларни жалб қилиш. 2. Инфратузилмани ривожлантириш. 3. Экологияни сақлаш.
9.	Сербия	1. Фуқароларга аккредитациядан ўтган меҳмонхоналарда қолиш. учун 40 Евро қийматидаги ваучерлар бериш. 2. Тадбиркорлик субъектларини ахборот билан таъминлаш.
10.	Эквадор	Ижтимоий туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.
11.	Бразилия	1. Маркетинг харажатлари, кадрлар тайёрлаш харажатлари, туризм инфратузилмасини ривожлантириш харажатларини қоплаш. 2. Хавфсизлик мақсадида сайёҳларга электрон тарзда «ҳамроҳлик қилиш» (идентификаторлар). 3. Аҳолининг ички туризмни рағбатлантириш (мактаб ўқувчилари, пенсионерлар учун экскурсиялар, сайёҳлик автобусида арзонлаштирилган йўл ҳақи).
12.	Парагвай	1. Тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби.

Баъзи Европа мамлакатларида туристик ташкилотлар коммунал хизматларга имтиёзли тарифлардан фойдаланадилар. Кўп ҳолларда туристик фирмалардан ишлаб топилган

[12] 2021 VAT Rates in Europe - https://taxfoundation.org/value-added-tax-2021-vat-rates-in-europe/

[13] Манба: Туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақида: травелаласка.com, newзеаланд.com, чиле.травел, виситиселанд.com, аустриа.инфо, санада.травел, снто.орг.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

валюталарнинг 20,0 %гача даромад солиғидан озод қилинади.[14]

Шунингдек, давлат томонидан янги сайёҳлик иншоотларини қуришни жойларни арзон нархларда сотиш ва белгиланган муддатга узайтириш имкони билан (Кипрда 99 йилгача, Исроил ва Туркияда 49 йилгача) ижарага бериш орқали рағбатлантиради.[15]

Туризмни ривожлантириш дунёнинг кўплаб мамлакатларига давлат бюджетига катта миқдордаги маблағларни жалб қилиш, мультипликатор самараси туфайли иқтисодиётнинг турдош тармоқлари даромадларини ошириш ва туристик йўналишлар инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш имконини беради. Хорижий мамлакатлар тажрибасига кўра мамлакатларда туризмнинг иқтисодиётга кўп қиррали таъсири махсус ташкил қилинган марказий ижро органи томонидан тартибга солинади. Бироқ, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, ушбу соҳага аралашув даражаси бутун дунё бўйлаб фарқланади ва биринчи навбатда уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ. Ушбу ҳолат туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бир неча асосий моделлари пайдо бўлишининг сабаби бўлиб, уларни ўрганиш асосида туристик бизнесни ташкил қилишда муайян қонуниятларни кузатиш мумкин.

Турли мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, туризмни ривожлантиришнинг муваффақияти тўғридан-тўғри ушбу соҳани давлат даражасида қандай қабул қилинишига, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига бевосита боғлиқ. Туризм соҳасида давлат томонидан тартибга солиш зарурати талаб этилишига қарамай, уни амалга ошириш алоҳида ёндашувни талаб қилади. бир томондан, туризм соҳаси, кўп тармоқли комплекс сифатида, ўз иқтисодий фаолиятини бошқаларга қараганда ортиқроқ мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд; бошқа томондан, давлатнинг ҳаддан ташқари аралашуви ва тартибга солиши бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши асосида ётган тадбиркорлик ташаббускорлигининг намоён бўлишини сўндиради. Бундан ташқари, туризм соҳаси ҳар бир мамлакат учун катта иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий аҳамиятга эга, бунга кўра ушбу соҳада давлат бошқарув органларини шакллантириш анча мураккаб жараёндир.

Жаҳон мамлакатлари амалиётига кўра, давлатга туризм соҳасини бошқариш учун мақбул тузилмани яратишга имкон берадиган идеал ёндашувлар мавжуд эмас. Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш тамойилларини ўрганиб, ҳозирги пайтда жаҳон туризм бозорида мавжуд бўлган бир нечта ёндашувларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- мамлакатда туризмнинг барча жабҳаларини қатъий авторитар бошқариш;
- бирлашган вазирлик доирасида туризм соҳасини иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари билан бирлаштириш;
- миллий туризм бошқаруви органлари томонидан туризм фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга либерал ёндашувлар;
- ижтимоий ва иқтисодий ҳодиса сифатида туризмга бефарқлик.

Шундай қилиб, ҳозирда туризмни бошқариш бўйича турли хил ташкилий тизимлар мавжуд – мустақил ёки тегишли вазирликлардан тортиб ҳукуматга бевосита бўйсунадиган миллий бошқарув органларига қадар. Бундан ташқари, дунёнинг айрим мамлакатлари сайёҳлик фаолиятини фақат минтақавий давлат органлари даражасида бошқарадилар, бошқалари умуман туризм соҳасига таъсир ўтказиш учун ҳукумат воситаларига эга эмаслар.

Туризм соҳасидаги давлатни тартибга солишнинг **биринчи модели** асосан ривожланаётган мамлакатлар учун хосдир. Унинг таркибида туризм соҳаси устидан жиддий назорат олиб

[14] Tourism-related taxes across the EU - https://ec.europa.eu/growth/sectors/tourism/business-portal/financing-your-business/tourism-related-taxes-across-eu_en

[15] Сенин В.С. Организация международного туризма. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 400 с.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

борадиган юқори мавқеига эга вазирликни назарда тутади. Ушбу мамлакатларда туризм давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги сабабли, бошқарув органлари инвестициялаш йўналтириш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, таълим, реклама ва ахборот соҳасида жуда катта ваколатларга эга бўлади.

Иккинчи модел, туризмдан ташқари, бошқа тегишли фаолиятлар билан шуғулланадиган қўшма вазирликни яратишни назарда тутади. Масалан, туризм одатда моддий соҳа тармоқлари (саноат, энергетика, савдо, транспорт, алоқа) ёки ноишлаб чиқариш соҳалари (маданият, спорт, ахборот, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслар ва бошқалар) билан бирлаштирилади.

Минтақавий шароитда ушбу модел асосан Африка мамлакатларига хосдир, аммо уни «Африка» модели деб ҳисоблаб бўлмайди. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда иккинчи модел Жанубий, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларига хос бўлмоқда, бу эрда инфратузилмани ривожлантириш, туризм саноатига инвестицияларни жалб қилиш, миллий туризм маҳсулотини жаҳон бозорларига чиқариш ушбу мамлакатларнинг миллий сайёҳлик ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидандир.

Учинчи модел кўп функцияли вазирлик таркибида ёки тўғридан-тўғри мамлакат ҳукуматига бўйсунадиган мустақил ихтисослашган тузилмани – Миллий туризм Администрациясини (МТА) яратиш билан тавсифланади. Таъкидлаш лозимки, Европа давлатларида кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда учинчи моделни «Европа» модели деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, Европанинг 21 мамлакати кўп тармоқли вазирликларда туризмни ўз ичига олади, масалан: иқтисодий ишлар вазирлиги (Швецария, Германия, Дания, Финляндия, Австрия, Франция, Монако, Португалия, Сербия, Македония, Словакия, Словения, Латвия, Литва, Эстония, Грузия, Арманистон), Саноат ва савдо вазирликлиги (Норвегия, Швеция), Минтақавий ривожланиш вазирлиги (Чехия) ва Маданият, оммавий ахборот воситалари ва спорт вазирлиги (Буюк Британия). Қолган давлатлар Миллий Туризм қўмиталари ташкил қилган (Ватикан, Венгрия, Молдова, Италия, Лихтенштейн, Мальта, Голландия).

Тўртинчи модел туризм соҳасида марказий ижро этувчи органнинг йўқлигини назарда тутади. Ҳозирги кунда у дунёнинг атиги 14 мамлакатига хосдир, жумладан Бельгия ва Қирғизистон (макро минтақа Европа), КХДР, Шарқий Тимор, Науру, Соломон ороллари, Тонга, Тувалу (АПР), Гвинея-Бисау, Конго, Марказий Африка Республикаси, Сомали (Африка), Кувайт (Яқин Шарқ). Ушбу мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш натижаларига кўра ушбу модел аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси юқори бўлган (Бельгия, Қувайт) ва ривожланган давлатларни ҳамда иқтисодий кўрсаткичлар бўйича сўнгги ўринларни эгаллаган мамлакатлар ҳам бор.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш минимал бўлиши мумкин. Ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган давлатлар, аксинча, туризм соҳасини ривожлантиришга давлат даражасида эътиборни кучайтиришга муҳтож. Туризмни ривожлантириш муаммоларидан давлатни тўлиқ олиб ташлаш, туризм фаолиятининг барча иштирокчиларига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш бўйича хориж тажрибаси ва турли мамлакатлар моделларидан фойдаланиш глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви ва чуқурлашиб бораётган рақобат шароитларида республикамизда туризм фаолиятини ташкил этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, вазирликлар, марказий идоралар ва ҳудудий ҳокимият органлари ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича муносабатларни мувофиқлаштириш, халқаро сайёҳлик алмашинувини ривожлантириш нуқтаи назаридан бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, миллий сайёҳлик маҳсулотини чет элда тарғиб қилиш, туристик бизнес учун ахборот хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш, хорижий

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

сайёҳлик бозорларида энг оммабоп сайёҳлик йўналиши сифатида мамлакатнинг рекламасини кенгроқ жорий этиш имконини беради.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0